

**ФАРҒОНА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.04/30.12.2020.Tib.122.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ШАМУРАТОВА НОДИРА ШАНАЗАРОВНА**

**СУРУНКАЛИ ГЕПАТИТЛАР ДИЕТОТЕРАПИЯСИНИНГ ОВҚАТ  
РАЦИОНИНИ МАҲАЛЛИЙ ОҚ ЖЎХОРИ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН  
БОЙИТИШ САМАРАСИ**

**14.00.07 – Гигиена**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК: 616.36-002-036.12:615.874.2:633.62:61.001.5+612.392

**Тиббиёт фанлари буйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
медицинским наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on medical  
sciences**

**Шамуратова Нодира Шаназаровна**

Сурункали гепатитлар диетотерапиясининг овқат рационини  
маҳаллий оқ жўхори маҳсулотлари билан бойитиш самараси..... 3

**Шамуратова Нодира Шаназаровна**

Оценка эффективности диетотерапии с использованием рациона,  
обогащенных продуктами местной белой кукурузы, у больных  
хроническими гепатитами..... 23

**Shamuratova Nodira Shanazarovna**

Evaluation of the effectiveness of diet therapy with the use of a diet rich  
in local white corn products, in chronic hepatitis..... 43

**Список опубликованных работ**

Эълон қилинган ишлар рўйхати  
List of published works..... 47

**ФАРҒОНА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.04/30.12.2020.Tib.122.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ШАМУРАТОВА НОДИРА ШАНАЗАРОВНА**

**СУРУНКАЛИ ГЕПАТИТЛАР ДИЕТОТЕРАПИЯСИНИНГ ОВҚАТ  
РАЦИОНИНИ МАҲАЛЛИЙ ОҚ ЖЎХОРИ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН  
БОЙИТИШ САМАРАСИ**

**14.00.07 – Гигиена**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ФАРҒОНА – 2022**

Филсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib871 рақами билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.ftma.uz ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида www.ziyounet.uz joyлаштирилган

**Илмий раҳбар:**

**Дусчанов Бахтиёр Аллаберганович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Зокирходжаев Шерзод Яхъевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мирзакаримова Малоҳат Абдувоҳидовна**  
биология фанлари доктори, катта илмий ходим

**Раҳимова Дилором Алимовна**  
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

**Етақчи ташкилот**

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти хузуридаги PhD.04/30.12.2020.Tib.122.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил «14» март соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 712000, Фарғона шаҳри, Янги Турон кўчаси, 2, tel: 243-06-62, Факс: 243-06-62 e-mail: info@ttaff.uz, fftma@mail.ru).

Диссертация билан Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (5 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 712000, Фарғона шаҳри, Янги Турон кўчаси 2, tel: 243-06-62, Факс: 243-06-62 e-mail: info@ttaff.uz, fftma@mail.ru.

Диссертация автореферати 2022 йил «24» феврал кунини тарқатилди.  
(2022 йил «24» феврал даги 3 рақамли реестр баённомаси).



Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Ф.И.Саломова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича филсафа доктори (PhD)

**Ш.А.Норматова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Ж.Эрматов**

## **КИРИШ (фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда вирусли гепатитларнинг В ва С вирусли турлари кенг тарқалган касалликлардан бири ҳисобланади. Улардан юзага келадиган ўлим кўрсаткичи 96% ни ташкил қилади. ЖССТ маълумотларига кўра «...71 миллионга яқин сурункали вирусли С гепатит билан хасталанган беморлар мавжуд (СВСГ) бўлиб, жигар сурункали касалликлари структурасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Шарқий Европа, Осиё, Африка, Жанубий Америка давлатларида вирусли С гепатит билан зарарланиш юқори кўрсаткичларга эга бўлиб, мамлакатимизда эса бу касаллик билан зарарланиш 6,2–13,1% ташкил қилди...»<sup>1</sup>. HCV-инфекциянинг кенг тарқалганлиги, касалликнинг сурункали турлари ривожланиш даражаси юқори эканлиги, махсус чора-тадбирнинг мавжуд эмаслиги, касаллик патогенезени ҳар томонлама чуқур ўрганилишини тақазо этади. Жигарнинг сурункали касалликларини олдини олиш ва даволашда замонавий ва парҳез таомларни киритиш, беморлар ва пациентларнинг иммун тизимини оширишга қаратилган рационларни ишлаб чиқиш, бугунги кунда тиббиёт ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда сурункали гепатитлар диетотерапиясининг овқат рационини маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан бойитиш самарадорлигини такомиллаштиришга қаратилган профилактик тадбирларни юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, жумладан, сурункали гепатит билан хасталанган пациентларнинг касалланиш даражасига атроф-муҳит омилларнинг эндоген ва экзоген таъсирини, экологик ноқулай ҳудудларнинг аҳолисининг кунлик овқатланиш рационини биологик ва озиқавий қийматини гигиеник асослаш ҳамда маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларидан тайёрланган парҳез таомларнинг озиқавий ва биологик қийматини, сурункали гепатит билан хасталанган беморларда биокимёвий маркерлар билан боғлиқлигини ва бойитилган озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини гигиеник баҳолаш ва касалликни даволаш самарадорлигини оптималлаштириш, асоратларини камайтириш ва самарадорлигини ошириш жараёнини тадбиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда атроф-муҳит ва озиқ-овқат маҳсулотларини турли зарарли омиллардан ҳимоя қилиш, даврий равишда аҳоли саломатлик ҳолатини ҳимоялаш ва сифатли хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом

---

<sup>1</sup> ЖССТ йиллик ҳисобот маълумотлари 2021 йил

турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»<sup>2</sup> каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда сурункали гепатитлар билан хасталанган беморларнинг кунлик овқат рационини баҳолаш, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, турли овқатланиш билан боғлиқ касалликларни ташхислаш ва олдини олишга қаратилган маҳаллий таомларни киритиш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари ва 2018 йил 18 декабрида ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 ноябрдаги 4887-сон «Аҳолини соғлом овқатланишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунда жаҳонда соғлом овқатланиш тартибига риоя қилмаслик натижасида юзага келадиган касалликларнинг сони кун сайин ортиб бормоқда. Сурункали гепатитлар ичида В ва С тури 2030 йилга келиб, вирусли гепатитларни элиминация натижасида касалликни янги вариантлари билан касалланиш 90%, ўлим даражаси эса 65% камайишига эришилади. Гепатитнинг В турини онадан болага, шифохона ичида юқиши ва жинсий йўл билан тарқалиши этиологик омиллардан бири ҳисобланади (Abbas Z, Abbas M., 2021). Гепатит аста-секин ривожланадиган даволанмагандан кейин жигар циррози ва гепатоцеллюляр карциномага олиб келувчи латент жигар яллиғланиши билан кечадиган касалликдир (Bosch F.X. et al., 2005). HCV-инфекция билан ўткир зарарланиш натижасида 85%, жараённинг сурункали тус олиши ва фақатгина 15% да беморларнинг тўлиқ тузалиб кетиши мумкинлиги кузатилган (Онищенко Г.Г ва ҳам. 2003; Berkes J. et al., 2005; Игнатова Т.М., 2005; Abbas Z. et al., 2005). Қатор изланишлар, сурункали вирусли С гепатитда генетик асос ва уларни касаллик патогенезида асосий ўрнини ёритишга йўналтирилган. Касалликни ривожланишида вирусологик омиллар эмас, балки, макроорганизмнинг умумий ҳолатига кўпроқ боғлиқлиги аниқланган (Yee L. J. et al., 2003; Chistiakov D. A. et al., 2004; Jones G. et al., 2006; В.Ш.Алиева ва ҳам., 2010;).

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

Сурункали гепатитларни комплекс даволашда дори воситалари билан биргаликда турли маҳаллий маҳсулотлари билан пациентларнинг иммун тизимини оширишга қаратилган парҳез таомларни яратиш бугунги кундаги соҳа олимлари олдидаги долзарб муаммолардан биридир.

Мамлакатимизда аҳолининг овқатланиш ва турли хасталикларни даволашда парҳез овқатланиш ўрни ва аҳамиятини гигиеник баҳолашда қатор олимлар ишлар олиб боришган, темир ва йод танқислик касалликларини янги парҳез маҳсулотлари билан даволаш (Г.И.Шайхова, 2014, 2015), мастопатиянинг алиментар профилактикаси борасида парҳез нон маҳсулотлари ишлаб чиқилган (Эрматов Н.Ж., Тошматова Г.О., 2018), камқонлик касаллигини даволашда пальма мойининг ўрни ва аҳамияти асосланган (Рустамов Б.Б., Эрматов Н.Ж., 2015), бироқ, сурункали гепатитларни даволашда маҳаллий маҳсулотлардан оқ жўхорининг озиқавий ва биологик қиймати баҳоланмаган.

Юқоридаги таҳлиллардан кўришиб турибдики, бугунги кунда мамлакатимизда пестицидларнинг ишлатилиши ва турли омиллар таъсирида юқумли гепатит касаллиги кун сайин ортиб боришини асослаш билан биргаликда, гепатит касаллигида маҳаллий маҳсулотлардан тузилган рационнинг оқ жўхори билан бойитилиши ва унинг озиқавий ва биологик қийматини гигиеник баҳолаш бугунги кундаги долзарб муаммолардан биридир.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №03–4974 «Аҳоли саломатлигини яхшилаш, Ўзбекистон Республикаси аҳолисига тиббий профилактик ёрдамни такомиллаштириш ва аҳоли саломатлиги учун хавfli омилларни бартараф этиш» (2018–2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** оқ жўхоридан сурункали гепатитлар диетотерапияси учун маҳаллий парҳез таом ишлаб чиқиш ва овқат рационини оқсил, аминокислота ва липотроп моддалар, минерал ва витаминлар билан бойитишни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

маҳаллий оқ жўхорининг озиқавий ва биологик қийматини гигиеник баҳолаш;

сурункали гепатит билан хасталанган пациентларнинг кунлик мутлоқ овқатланиш рационини гигиеник баҳолаш;

оқ жўхоридан тайёрланган парҳез таомнинг таркибий қисми, оқсил, ёғлар ва карбонсувлар, минерал ва витаминли таркибини гигиеник баҳолаш;

янги ишлаб чиқарилган парҳез таомнинг сурункали гепатит касаллигини даволашдаги самарадорлигини гигиеник баҳолаш;

сурункали гепатит билан хасталанган беморларни даволаш ва касалликни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт

марказининг гастроэнтерология бўлимида 2019-2021 йиллар давомида сурункали токсик, вирусли В ва С гепатит ва жигар циррозининг нисбий фаоллик даражасидаги 21 ёшдан 74 ёшгача бўлган 45 нафар Сорго бўтқаси билан бойитилган диетотерапия билан даволанган беморлар асосий ва назорат гуруҳига 45 нафар сурункали жигар касалликлари билан хасталанган ва анъанавий даволанган беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** оқ жўхоридан тайёрланган парҳез таомнинг озиқавий ва биологик қиймати, парҳез таом истеъмол қилган беморларнинг қонидаги АЛТ ва АСТ, умумий билирубин, креатинин ва мочевино миқдори, интерлейкин ва иммуноглобулинлар миқдорини баҳолашдаги веноз қон материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини амалга оширишда гигиеник, аналитик, клиник, биокимёвий, иммунологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сурункали гепатит касаллигини чуқурлаштирилган тиббий кўриклар асосида хавф омилларини баҳолашнинг оптимал вариантини ҳисобга олган ҳолда гигиеник тавсиялар ишлаб чиқилган;

сурункали гепатитлар билан хасталанган беморларнинг кунлик овқатланиш рационининг гигиеник таҳлиллари натижасида кунлик рацион ва шифохона парҳез таомининг таркибий қисмидаги ўзгаришлар очиқ берилган;

оқ жўхорининг озиқавий ва биологик қиймати, таркибидаги оксил, аминокислота, карбонсув, витамин ва минералларнинг таркибий қисми четдан келтирилган маржумак билан солиштирилган ижобий кўрсаткичлари асосланган;

оқ жўхорининг озиқавий ва биологик қийматини баҳолаш натижасида таркибидаги алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарнинг гепатит вирусларининг зарарли хусусиятларини пасайтириш ва организмнинг иммун тизимини оширишга қаратилган хусусиятлари исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

сурункали гепатитлар билан хасталанган беморларнинг жигаридаги ўзгаришлар гигиеник жиҳатдан таҳлил қилинган;

сурункали гепатитлар билан хасталанган беморларнинг ҳақиқий овқатланиши гигиеник баҳоланган;

оқ жўхорининг таркибидаги оксил, ёғ ва карбонсувларнинг таркибий қисми гигиеник таҳлил қилинган;

оқ жўхоридан тайёрланган парҳез таомнинг озиқавий ва биологик қиймати гигиеник баҳоланган;

сурункали гепатитлар билан хасталанган беморларнинг парҳез овқатланиш самарадорлигини яхшилаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган



гигиеник, аналитик, биокимёвий ва статистик тадқиқот усуллар асосида сурункали гепатитлар диетотерапиясининг овқат рационини маҳаллий оқ жўхори маҳсулотлари билан бойитиш самарадорлигини баҳолаш ва профилактика тадбирларини ишлаб чиқишнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сурункали гепатитлар билан хасталанган беморларнинг овқатланиш шароитлари ва кунлик рацион таркибида оқсил, ёғ ва мой, карбонсув, микроэлементларни баҳолаш тартиби, аминокислоталарнинг етишмаслиги натижасида пациентларда гепатитларнинг ўзига хос хусусиятлари, жигардаги ўзгаришларнинг олдини олишга қаратилган парҳез таомнинг озиқавий, биологик қиймати ва гепатитларнинг ривожланиши кунлик рационга боғлиқлигини назарий тартиби ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сурункали гепатитларни даволашга қаратилган тадбирларга янгича ёндашувлар, сурункали гепатитларни даволаш учун янги парҳез маҳаллий таом ишлаб чиқилган, унинг озиқавий ва биологик қиймати орқали оптимал озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланган рационнинг самарадорлигини баҳолаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сурункали гепатитлар диетотерапиясининг овқат рационини маҳаллий оқ жўхори маҳсулотлари билан бойитиш самарадорлигини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Маҳаллий маҳсулотлардан тайёрланган парҳезларни яратиш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган «Соргонинг озиқавий ва биологик қийматини аниқлаш усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 21 июндаги 8н-з/200-сон маълумотномаси). Натижада сурункали гепатитларни даволашга қаратилган оқ жўхорининг озиқавий ва биологик қийматини баҳолаш имконини берган;

Сурункали гепатитларни даволашда беморларнинг кунлик рационига маҳаллий дон маҳсулотлардан тайёрланган парҳезларни яратиш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган «Сурункали гепатитларни даволашда маҳаллий дон маҳсулотлари билан бойитилган диетотерапия усули» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 21 июндаги 8н-з/200-сон маълумотномаси). Натижада сурункали гепатитларни даволашга қаратилган оқ жўхоридан тайёрланган парҳез таомларнинг самарадорлигини баҳолаш имконини берган.

Сурункали гепатитлар диетотерапиясининг овқат рационини маҳаллий оқ жўхори маҳсулотлари билан бойитиш самарадорлигини такомиллаштиришни асослаш бўйича олинган илмий натижалар Ўзбекистон Республикаси Президент администрацияси ҳузуридаги бош тиббиёт муассасасининг санитария эпидемиология назорат бўлими, Ўзбекистон Республикаси

санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматига, Андижон давлат тиббиёт институти шифохонаси ва Урганч туман тиббиёт бирлашмаси клиник амалиётга тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 5 январдаги 08-09/84-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши Соргодан тайёрланган парҳез таомнинг озиқавий ва биологик қиймати, сурункали гепатитларни даволаш, жигарнинг фаолиятини тиклаш, тизимли профилактик ва соғломлаштириш тадбирларини йўлга қўйиш, касалликни даволаш, олдини олиш ҳамда ўз вақтида даволаш кўникмаларини ҳосил қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Сурункали гепатитлар диетотерапиясининг долзарб ва замонавий муаммолари»** деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган муаммога тааллуқли бўлган хорижий ва маҳаллий илмий нашрлар таҳлили келтирилган. Сурункали гепатит билан хасталанган беморлар кунлик рацион таркибининг издан чиққанлиги, физиологик меъёрларга мос келмаслиги, рацион таркибидаги микроэлементларнинг етишмаслиги оқибатида ривожланадиган асоратлар, касалликни олдини олишга қаратилган парҳез рационнинг коррекциялаш мақсадида принципиал ёндашув ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **«Сурункали гепатитлар диетотерапиясининг овқат рационини маҳаллий оқ жўхори маҳсулотлари билан бойитиш**

**самарадорилигини баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг объекти ва предмети, шунингдек, қўлланилган усуллари баён қилинган. Тадқиқотлар Тошкент тиббиёт академияси Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедрасининг илмий тадқиқот ишлари режаси асосида бажарилган. Тадқиқот объекти сифатида сурункали вирусли В ва С гепатитли ва жигар циррозининг нисбий фаоллик даражасидаги пациентлар олинган. Тадқиқотга жалб қилинган пациентлар Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг гастроэнтерология бўлимида даволанган ҳамда уй шароитида профилактик даволанишда бўлган 21 ёшдан 74 ёшгача бўлган 45 нафар Сорго бўтқаси билан бойитилган диетотерапия билан даволанган беморлар асосий гуруҳга киритилган бўлса, назорат гуруҳи 45 нафар жигарнинг сурункали касалликлари билан хасталанган ва анъанавий диетотерапия билан даволанган беморлардан ташкил топган. Маҳсулотларнинг озиқавий ва биологик қийматини баҳолаш ишлари академик С.Ю.Юнусов номидаги Ўсимликлар кимёси институти лабораторияси ҳамда Инсон иммунологияси ва геномикаси институти лабораторияларида амалга оширилган.

Сурункали гепатит ташхисланган беморларнинг субъектив ҳолати, объектив текширув натижалари (қорин бўшлиғини пальпатор ва ультратовуш, клиник-лаборатор) ҳамда анамнезини ўрганиш асосида амалга оширилган. Соргонинг озиқавий ва биологик қиймати умумий қабул қилинган усуллар асосида баҳоланган, буларга: Оксилларни - М.П. Болотов модификациясидаги Къельдал усулида, ёғларни-Сокслет усулида, умумий карбонсувлар-оксил, ёғ ва маҳсулотларнинг ёнгандан сўнг ҳосил бўлган кул миқдори ўртасидаги фарқини ҳисоблаш усулида, таомларнинг энергетик қийматининг қуввати ва маҳсулотларни солиштирма даражаси-Экземплярский бўйича, алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар— ҳисоблаш таҳлил усулида, аскорбин кислотаси—Тильманс усулида (ДавСТ 7047-55) баҳоланган.

Пациентларнинг овқатланиши ҳисоб-китоб ва лаборатор усулларида ўрганилди. Статистик таҳлил учун 540 та таомнома баҳоланди. Рационларнинг озуқавий қиймати «Озиқ-овқат маҳсулотларини кимёвий таркиби» жадваллари асосида ҳисобланди. Олинган маълумотлар СанҚваМ 007-20 «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ёшига, жинсига ва касбий фаолияти гуруҳлари учун соғлом овқатланишни таъминлашга қаратилган ўртача кунлик рационал овқатланиш меъёрлари» талабларини ҳисобга олган ҳолда баҳоланди.

Овқатланиш рационининг озуқавий қиймати йилнинг қиш-баҳор ва ёз-куз мавсумлари учун алоҳида 38 та кўрсаткичлар бўйича баҳоланди. Рациондаги оксилнинг биологик қийматини стандартнинг худди шундай кўрсаткичлари билан солиштириб, нисбий катталиклар ҳисобланган .

**Пациентларнинг кунлик энергия сарфини баҳолаш усуллари.** Сурункали гепатитлар билан хасталанган пациентларнинг кунлик энергия сарфини ҳисоблаш 24 соатлик хронометраж бўйича, Харрис-Бенедикт жадвалини қўллаган ҳолда 90 нафар шахсда ўтказилди (улардан 37 нафарини

эркаклар, 53 нафарини аёллар), текшириш FAO/WHO бўйича амалга оширилди.

**Пациентларнинг клиник белгиларни ўрганиш усуллари.** Пациентларнинг клиник белгиларини баҳолашда касалликни даражалари ўрганилади: Назорат остига олинган беморларнинг текшириш ёш ва жинс бўйича тақсимооти ўрганилганда 90 нафардан иборат бўлиб, улардан энг кўпини, яъни, 29 нафарни 60-69 ёшли ва 21 нафарни 40-49 ёшли, 17 нафарни 50-59 ёшли, 12 нафарни 30-39 ёшли, 6 нафарни 20-29 ёшли, 5 нафарни 70-79 ёшли беморлар ташкил қилди.

Беморларнинг қонидаги умумий билирубин миқдори бикомпьютерий анализатор ёрдамида аниқланган; АЛТ ва АСТ ферментларнинг миқдори биохимик анализатор ёрдамида умумий стандарт тартибда баҳоланган.

Қон зардобидаги иммуноглобулинлар асосий синфларидан IgA, IgG ва IgM нинг миқдорий концентрациясини юқори сезгирликдаги иммунофермент иммуноглобулинларни аниқлаш учун мўлжалланган реагентлар тўплами ООО «Вектор Бест» (Новосибирск, Россия) дан фойдаланилди. Таҳлил икки босқичли-«Сэндвич» вариантга асосланган иммунофермент усулида, қон зардобидаги цитокинлар IL-6, TNF- $\alpha$  миқдори ИФА услубида ООО «Цитокин» (Санкт-Петербург, Россия) томонидан илова қилинган кўрсатмалар асосида баҳоланади.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7.0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетида фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Соргонинг озиқавий ва биологик қийматининг гигиеник таҳлили**» деб номланган учинчи бобида тайёрлашнинг янги технологиялари асосида оқ жўхори бўтқасининг намуналари ҳамда уларни тайёрлашнинг рецепти ва технологияси ишлаб чиқилди. Тадқиқотларда юқорида қайд этилган янги маҳсулотлар сифатини баҳолаш учун органолептик ва физик - кимёвий усуллардан фойдаланилди. Оқ жўхоридан тайёрланган бўтқанинг органолептик кўрсаткичлари беш балли тизимда ёпиқ дегустация қилиб баҳоланди. Оқ жўхоридан тайёрланган бўтқанинг физик кўрсаткичлари: мағизнинг намлиги ва кислоталилиги; минерал қўшимчалар мавжудлиги натижасида мағизнинг қирсиллаши; касаллик ва моғор белгиларининг борлиги; захарли модда, микотоксин, пестицид, радионуклидларнинг миқдори ва микробиологик кўрсаткичлар аниқланди ҳамда СанҚваМ 0366-19 «Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигига қўйиладиган гигиеник талаблар» билан қиёсий баҳоланди.

Оқ жўхорининг кимёвий таркиби унинг озиқавий қийматини ва кўплаб дориворлик хусусиятга эга бўлиб, антиоксидант, юрак-қон томир тизими, қон томирлари деворларини ва юрак мушакларини мустаҳкамлаш, иштаҳа ва мия фаолиятини яхшилаш, ёғларнинг парчаланиши, метаболик жараёнлар, глюкоза синтези, қонда қанд миқдорини меъёрлаштириш, шлак, токсин ва оғир метал тузлар бирикмаларини организмда чиқаришда фаол иштирок этади.

Сурункали гепатитларда жигарнинг ёғ билан қопланишида липотроп таъсир кўрсатади. Ёғ ёки эркин липидлар (ЭЛ) Сокслет аппаратида 72-80°C экстракцион бензини билан олдиндан майдаланган доналардан олинган. Экстракция натижалари ҳақиқий намлик миқдори бўйича 3,26% эркин липидларни кўрсатган. Уруғлар ва эркин липидларнинг асосий хусусиятлари 1-жадвалда келтирилган.

### 1-жадвал

#### Сорго таркибидаги ва эркин липидларнинг кўрсаткичлари

Кўрсаткич, % доннинг оғирлиги бўйича	Саклайди
намлик ва учувчан моддалар	8,8
амалдаги намликда ёғлилик кўрсаткичи	3,26
мутлақ қуруқ моддада ёғлилик кўрсаткичи	3,57
ёғнинг саниш кўрсаткичи, н <sub>д</sub> <sup>20</sup>	1,4737
ёғдаги кислота сони, мгКОН	8,62
йод сони, мг/100 г	115,62
Совунланмайдиган моддалар миқдори, % ёғнинг оғирлигидан	1,21

Эркин липидлар гуруҳининг таркиби аналитик юпка қатламли хроматография услуби билан силикагелда аниқланди. Эркин липидларни аниқлаш учун гексан-диэтил эфир эритувчи бирикмаси 4:1; 7:3; 3:2 комбинацияда ишлатилган.

Эркин липидлар асосан триацилглицеридлар (ТАГ), эркин ёғ кислоталари, стерол, тритерпенол ва углеводородлардан иборат. Липидлар намунавий бирикмалар асосида аниқланди. Нейтрал липид доғлари J<sub>2</sub> буғларида пластинкаларни H<sub>2</sub>SO<sub>4</sub> нинг 50% сувли эритмаси билан пуркаш, кейин иситиш орқали ишлаб чиқилган.

Ўрганилаётган объектнинг ЭЛ таркибида совунланмайдиган моддаларнинг (СМ) миқдори объектнинг гидролизидан сўнг аниқланди ва у жами липид оғирлигининг 1,21% ни ташкил этди. СМларни аниқлаш сифатли реакциялар ва уларнинг хроматографик ҳаракатчанлиги асосида гексан – диэтилэфир эритувчилар тизимидаги 4:1:7:3 комбинацияда силикагелнинг юпка қатламида амалга оширилди. СМ орасида стерол, тритерпенол ва углеводородлар каби биологик фаол компонентлар топилди.

Метилэфирлари (МЭ) шаклида ажратилган ёғ кислоталари газ хроматографияси (ГХ) ёрдамида таҳлил қилинди. ГХ таҳлиллари Agilent Technologies 6890 N (USA) хроматографида 60 дан 250°C гача бўлган ҳароратда НР-5 кутбсиз фазаси билан қопланган 30 метрли капилляр устун ёрдамида оловни ионлаш детектори ёрдамида амалга оширилди. Ташувчи газ - гелий 30 мл/дақиқа.

Эркин аминокислоталарнинг фенилтиокарбомил (ФТК) ҳосилаларининг синтези Steven A., Cohen Davidel услуби бўйича амалга оширилди. ФТК аминокислоталарини аниқлаш 75x4,6 мм Discovery HS C18 устунда Agilent

Technologies 1200 (Germany) хроматографида амалга оширилди. А эритмаси: 0,14М CH<sub>3</sub>COONa + 0,05% ТЭА рН 6,4; В эритмаси: CH<sub>3</sub>CN. Оқим тезлиги 1,2 мл/дақиқа, ютилиш 269 nm. Градиент % дақиқа: 1-6% -2,5 дақиқа; 6-30% / 2,51-40 дақиқа; 30-60% / 40,1-45 дақиқа; 60-60%/45,1-50 дақиқа; 60-0%/50,1- 55 дақиқа.

Соргонинг ва маржумакнинг кимёвий таркибининг солиштирма таҳлили 2-жадвалда келтирилган.

## 2-жадвал

### Сорго ва маржумакнинг кимёвий таркибининг таққосланиши

№	Нутриентлар	Сорго	Маржумак
1	Сув	13,5	14,0
2	Оқсил	10,6	10,8
3	Мой	4,1	3,2
4	Углевод	65,1	67,2
5	Na	28	4
6	K	246	325
7	Ca	99	70
8	Mg	127	258
9	P	298	334
10	Fe	4,4	8,3
11	B <sub>1</sub>	0,46	0,30
12	B <sub>2</sub>	0,16	0,14
13	PP	3,30	3,87
14	ккал	323	295

2-жадвалдан кўришиб турибдики, Соргонинг кимёвий ва озиқавий қийматининг таҳлилидан кўришиб турибдики, таркибида барча фойдали моддаларни етарли миқдорда сақлайди. 100 г маҳсулотда 10,6 г оқсил, 4,1 г ёғ, 65,1 г углевод мавжуд. Минераллардан натрий миқдори юқори, бошқа минералларнинг миқдори маржумакда юқори. Энг асосийси витаминларнинг В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub> ва РР витаминларига бойлиги ва қувватмандлиги билан ажралиб туради.

Сорго таркибидаги мойлар, кальций, В<sub>1</sub> ва В<sub>2</sub> витаминлари организмнинг вирусларга қаршилиқ даражасини оширишда муҳим ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Сурункали гепатит билан хасталанган пациентларнинг мутлоқ овқатланишини гигиеник таҳлили**» деб номланган тўртинчи бобида пациентларимизнинг кунлик овқатланиш тартибини йилнинг тўртта фаслида алоҳида ўргандик. Пациентларнинг овқатланиш тартиби қиш мавсумида бошқа мавсумларга нисбатан Хоразм вилояти шароитида, шимолий худудларда кескин фарқ қилади. Қиш мавсумида уннинг истеъмол даражаси эркакларда 156% ни, аёлларда эса 142% ни ташкил қилган бўлса, гуручнинг миқдори эса 20-30 % гача ортиқча истеъмол қилинганлиги аниқланди. Пациентларнинг кунлик рацион таркибида туз ва қандолат маҳсулотларининг истеъмол даражаси кескин ортиқчалиги аниқланди.

Сир эмаски, белгиланган санитария меъёр ва қоидаларида турли бўёқли

ичимликларнинг меъёри кўрсатилмаган. Назорат остига олинган беморларнинг аскарияти ҳар куни энергетик ичимликлар, Coca cola, Fanta ва турли бўёқли ичимликларни истеъмол қилишганлиги аниқланган.

Табийй мева ва сабзотларнинг истеъмол даражаси камайтирилган. Бу эса пациентларнинг кунлик рацион таркибида витаминларнинг А, С ва D турларининг етишмаслиги билан биргаликда минерал моддаларидан сут орқали тушадиган кальций, балиқ маҳсулотлари орқали тушадиган фосфор, бошқа минералларнинг тушишини камайиши ва карбонсувлар миқдорининг ортишига шароит яратади.


Бизнинг асосий тадқиқотимизнинг вазифаларидан бири баҳор мавсумидаги касалликнинг хуруж даврида пациентларнинг кунлик рацион таркибида оқсил, ҳайвон оқсили, витамин ва минералларнинг озик-овқат маҳсулотлари билан тушадиганларни етишмаслиги билан баҳоланди. Кунлик рацион таркибида сут маҳсулотлари, соф мева ва сабзотларнинг етишмаслиги касаллик хуружининг ортишига асос бўлган.

Ёз мавсумидаги овқатланиш тартибининг гигиеник таҳлилидан кўришиб турибдики, уларнинг асосий кунлик рацион физиологик меъерий даражаларга мос келмайди, бироқ, минимал физиологик меъёрдан ҳам айрим маҳсулотларнинг камлиги, нон маҳсулотларининг ортиқчалиги кўришиб турибди. Кунлик рацион таркибида ун маҳсулотлари эркакларда 138%га, аёлларда 118%га, тухум 2,0 мартага, туз ва тузли маҳсулотлар аналогик тартибда 178% ва 184% га оширилган, қандолат маҳсулотлари ҳам ортиқча истеъмол қилинган. Узум, тарвуз ва қовун маҳсулотларининг истеъмол даражаси жудаям кам, яъни 10-15%га таъминланган, мавжуд меваларнинг миқдори эса эркакларда 53,5%ни, аёлларда эса 51%ни ташкил қилди. Гўштнинг истеъмол даражаси ёз мавсумида 25-35%га камлигини кўрсатди. Бу эса темир танқислик камқонлик касаллигини ривожланиши билан биргаликда вирусли касалликларнинг ортишига шароит яратади.

Назорат остига олинган пациентларнинг куз мавсумидаги овқатланиш тартибининг гигиеник таҳлили шуни кўрсатдики, кунлик рационга қовун ва тарвузлар, узум, қовоқ ва турп, соф етилган картошка, карам, сабзи, шолғом каби сабзотларнинг қўшилган, бироқ, қанчалик соғлом овқатланиш тартиби борасида ташвиқотлар олиб боришимизга қарамасдан, аҳолининг кунлик рационининг таркиби, ун, макарон, нон маҳсулотлари билан бойитилганлиги кўришиб турибди, гўшт, балиқ, сут маҳсулотлари ва меваларнинг миқдори физиологик кўрсаткичларга мос келмайди.

Таъкидлашимиз жоизки, албатта ёз мавсумига нисбатан қисман мева ва сабзотларнинг қўшилишига қарамасдан, бугунги кунда пациентларнинг куз мавсумидаги овқатланиш тартиби физиологик талабларга мос келмайди. Ушбу ҳолат соғлом овқатланишни назорати амалга оширилмаса, касалликнинг ривожланишига шароит яратади.

Таъкидлаб ўтишимиз жоизки, йилнинг тўртта фаслида пациентларнинг кунлик рацион ва унинг энергетик қиймати, асосан нон маҳсулотлари (гуруч, ун ва макарон), шакар, туз, маргарин ва ўсимлик мойи, қандолат маҳсулотларидан шакар, печенье, турли ширинликлар, турли рангли ичимликларнинг ортиқчалиги касалликнинг ривожланишига асос бўлган.



### 1- расм.Сурункали гепатит билан хасталанган эркак пациентларнинг кунлик асосий озиқа моддаларнинг кўрсаткичлари

Пациентларнинг кунлик рационда оқсилларнинг истеъмоли йил давомида 62-91% ни, баҳор мавсумида эса 62%ни, ёғларнинг истеъмоли куз мавсумида 110%ни, карбонсублар миқдорининг энг юқори даражаси куз мавсумида 153% ни ташкил қилган. Баҳор фаслида бошқа фаслларга нисбатан оқсил ва ёғлар камайганлиги, карбонсублар миқдори эса йил давомида 109-153% гача ортиқчадир. О:Ё:К нисбати қишда 1:1,2:4,5ни, баҳорда 1:1,3:4,96 нисбатни ёз мавсумида 1:1,1:4,61 ва куз мавсумида эса 1:1,1:4,4 нисбатни ташкил қилган, баҳор мавсумида энг юқори даражада карбонсублар истеъмол қилинган.

Диссертациянинг «Жўхори бўтқасини тайёрлаш технологияси» деб номланган бешинчи бобида рационда Сорго оиласига мансуб оқ жўхорининг Джугара ва Қўкон навлари ишлатилади. Ишлатишдан олдин у сараланади, дондан ташқари бегона маҳсулотлар ва моддалардан тозаланади, элакдан ўтказилади, майдаланган бўлакчалар ва пўсти ажратиб олинади. Пишириш пайтида ёпишқоқ бўлиб қолмаслиги учун олинган донни чайиш керак. Ёрмалар аввал илиқ, кейин эса иссиқ сувда ювилади (1 кг учун 2-3 литр сув). Оқ жўхори сувда, сутда, сув-сут аралашмаларида тайёрланади. Қуюқ-сууюқлик мезони бўйича бўтқа диркиллаган, ёпишқоқ ва сууюқ бўлиб чиқади. Ёрманинг қуюқ-сууюқ консистенцияси сууюқлик ва доннинг нисбатига боғлиқ. Пишириш пайтида донлар кўп миқдорда сув ютиб олишининг сабаби, таркибидаги крахмалнинг хамир ҳолатига айланишидир. Бу дон ҳажми ва вазнини оширади. Доннинг юмшаши протопектиннинг пектинга айланиши туфайли юзага келади. Белгиланган зичликдаги бўтқа тайёрлаш учун рецептурада кўрсатилган дон ва сув нисбатига қатъий риоя қилиш керак.

Сараланган, ювилган ёрма бироз туз қўшилган қайноқ сувга солинади (1 кг бўтқа учун 6 литр сув миқдориди) ва 25-30 дақиқа давомида паст оловда вақти-вақти билан аралаштириб, қайнатилади. Шишган ва юмшагандан сўнг, бўтқа оддий ёки алюмин элакдан ўтказиб, қайноқ сув билан чайилади,



силкитилади, сариёғ қўшиб аралаштирилади ҳамда буғ ваннасида 30-40 дақиқа етилтирилади, бу технологик жиҳатдан парҳез таомнинг тайёрлигидан далолат беради. Сўнг қатиқ ёки айрон билан аралаштириб, истеъмол қилинади.

Беморларнинг хақиқий овқат рационидаги одатий тушликдаги маҳсулотлари ўрнига олти ой давомида кунига 450 г махсус оқ жўхорили бўтқа истеъмол қилиш тавсия қилинди (3-жадвалга қаранг).

### 3-жадвал

№	Масаллиқлар	Оғирлиги, г	Соф оғирлиги, г
1	Оқ жўхори	40,0	39,2
2	Сув	300,0	300,0
3	Сариёғ	10,0	10,0
4	Қатиқ ёки айрон	150,0	150,0
5	Укроп	3,0	2,6
6	Туз	1,0	1,0
Жами		504,0	502,8

Аввалига ҳар ойда ва олтинчи ойнинг охирида натижалар ўрганилди.

Оқ жўхоридан тайёрланган бўтқа истеъмолининг самардорлигини баҳолаш учун беморларнинг объектив (пальпатор, ультратовуш ва клиник лаборатор текширув натижалари) ва субъектив ҳолатлари қиёсий баҳоланди.

